


САЛОМАТЛИК

Реклама қилинаётган ҳамма дориюлар ҳам фойдалими?

«Иссиқ жон — иситмасиз бўлмас» дейдилар. Инсон ўз саломатлиги борасида қанчалик қайғурмасин барибир ҳаёти давомида қайсидир касалликка чалиниши табиий ҳол. Бемор қандай қилиб бўлса-да тезроқ тузалиб кетиши ҳақида ўйлайди, албатта. Кимдир шифокорга учраб, керакли муолажаларни олади ва яна биров тўпна-тўғри дорихоналарга бориб (шифокорнинг кўрсатмасисиз) дори воситаларини сотиб олади ва улардан ўзбошимчалик билан фойдаланаверади. Бу нарса инсон учун бир қатор кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин. Бу борада мутахассис нима дейди? Келин, унинг фикрларига эътибор берайлик-чи.



татарининг рекламаси жуда кўпайиб кетган. Бу ҳолат сиз юқорида айтиб ўтган тўғридан-тўғри дорихоналардан дори сотиб олувчиларнинг қайсидир маънода кўпайишига сабабчи бўлаётганга ўхшаيدди. Айтилик, ўша рекламда дорининг қайси касалликка даво эканлиги қисман бўлса-да айтиб ўтилади. Қаттиқ шамоллаган одам, гўёки дорини ичиб бир зумда «соғайиб» кетиши жуда ишонарли қилиб намойиш этилади. Бу эса кишида шу дорини истеъмол қилсам соғайиб кетаман, деган фикр туғдириши табиий. Қолаверса, бугунги кунда янги номдаги дори воситалари кўпайиб кетгандек...

Республика шошилини табиий тез ёрдам илмий маркази реанимация бўлими шифокори Шерзод ТУРДИАЛИЕВ:

— Халқ орасида оддий деб қара-ладиган тумов касаллиги ҳам бора-бора оғир ҳолатларга олиб келиб, пневмония, яъни зотилжам хасталигини келтириб чиқариши мумкин. Шундай экан, кишилар ўзларига касаллик аломатларини сезишса, тезда шифокорларга мурожаат қилишлари лозим. Ана ўша мутахассис лозим бўлган дори воситаларининг кераклигини тавсия этади. Яна бир гап: сизу биз дармон сифатида иш-латаётган дориюларнинг нафақат ижобий, балки салбий таъсирлари ҳам бор. Мисол учун, ўзбошимчалик билан антибиотикларни қабул қилиш ичак дисбактериозини, иккинчидан эса патоген микроб бўлиш замбуруғли касалликларни юзага келишига олиб келади. Врач сифатида ҳар бир бемор дори воситаларини фақат шифокор маслаҳати билан сотиб олиши ва унинг назорати билангина қабул қилишининг тарафдориман. Шунингдек, мени кўпроқ ташвишлан-тиратган нарсалардан яна бири қалбаки дориюларнинг сотувга кириб келаётганидир. Дорихонага бормаганда олаётган нарсамизнинг ярқилик мuddатга, махсус кодлари-га, ампула ва флаконларнинг бутунлигига эътибор беришимиз лозим. Лекин сохта ва ҳақиқий дориюларни бир-биридан ажратиш қийин бўлиб қоляпти. Бу бутун дунёни хавотирга солаётган жараёнлардан бири. Шу боис юртдошларимиз дорихоналардан дори воситаларини олаётган вақтда сифат сертификатини сўраши уни унутмасликларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

— Кейинги вақтларда оммавий ахборот воситаларида, айниқса телевиденида ҳар хил дори воси-

талари хоҳлаган киши истаган пайтда ичаверадиган чой ёки қандайдир дамлама эмас. Улар фақат шифокор маслаҳати билангина қабул қилиниши зарур. Буни ўз навбатида даволловчи шифокор ҳал қилади, ҳатто бу дорихона сотув-чисига-да мумкин эмас.

Энди иккинчи саволингизга жа-воб берсам, ҳақиқатан ҳам бугун битта таркибга эга бўлган янги номдаги дори воситалари жуда кўп. Бу турли дори ишлаб чиқарадиган фирмаларнинг бозор ўйинидир. Хиндистонда ишлаб чиқарилгани билан Германиянинг дориюлари ўртасида фарқ бўлади, бу бор гап. Ҳар икки жойда ишланган дори воситаларнинг таркиби бир хил бўлиши мумкин, лекин сифат жиҳатдан жуда катта фарқи кўрамиз. Ким қандай дори ишлаб чиқарса чиқараверсин, лекин шифокор дори номига қарамасдан унинг сифати, даволаш самарадорлигига, беморнинг ёшини инобатга олиб, унинг таъсир кучига қараб тавсия этади. Мени ташвиш-лантиратган нарсалардан яна бири рекламани кўриб ёш болалар дори воситаларини сотиб олишмоқда. Очиги, кўпчилик фармацевтлар — дорихонада ишловчи шахслар пулга қизиқиб «кўзни юмганча» болаларга ҳам дориюларни сотмоқда. Буни касалхоналарга дори ичиб касал бўлиб келган ўсмирлар мисо-лида ҳам кўришимиз мумкин. Бу уларнинг ҳаётига хавф солишини неғадир ҳеч ким тушунмапти, ту-шунса-да жим қараб турибди. Шу ўринда республикамизда фаолият олиб бораётган барча дорихона со-тувчиларидан болаларга ҳеч қачон у-бу дори воситаларини сотмаслик-ларини илтимос қилардим.

Ислом СУЛТОНОВ ёзиб олди.

Азиз ҳамюртлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари!

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари орасида

«Fitch Ratigs»

халқаро рейтинг компаниясининг «Барқарор» тоифасидаги тўлиқ рейтингини олган биринчи банк



Акциядорлик тижорат

«ПАХТА БАНК»

Сизларга ўзининг «Тошкент» Республика фонд биржасининг «А» тоифадаги расмий листингига киритилган даромадли ва юқори ликвидли банк акцияларини таклиф этади!

«Пахта Банк»


акцияларига эга бўлиб, кафолатли ва барқарор келажакнингизни яратинг!



ПАХТА БАНК
фаровонлигиниз
калитуридир!

ЗАМОНДОШ

Мақсад фақат даромад эмас



Хизмат юзасидан бир қишлоқ мактаб-ида бўлганимда, ўқитувчилар ҳамқишлоқлар, шу мактабнинг собиқ ўқувчиси тadbиркор Шоқир Шукуров ҳақида илиқ фикрлар билдиришди. Гарчанд Шоқир бугунги кунда Сурхондарё вилоятининг маркази Термиз шаҳрида яшаб фаолият кўрсатаётган бўлса-да, ҳали-ҳануз тез-тез ҳамқишлоқларини эслаб туришни қанда қилмайди. Қишлоқ ободончилиги борми, мактабга ҳомийлик ёхуд кам таъминланган оилаларга ёрдам деганими... Уларнинг фикрича, асл тadbиркор бўлса Шоқирга ўхшасин экан.

Яқинда йўлимиз Термиз шаҳрига тушганда Шоқир Шукуровни излаб, у кишини ўзи бошқараётган фирманинг бош офисидан топдик. Ҳар бир инсон маълум мақсадни кўзлаб яраса, фаолият кўрсатсагина кўзлаган натижага эриша олади, — дейди Шоқир биз билан суҳбатда. — Айниқса, тadbиркорнинг ўз шиори бўлиши керак. Мана, бизнинг умумий шиоримиз: «Ҳалол топан даромадингга кам таъминланган оилалар, атрофингданги сенин-г ёрдамнинг муҳтож инсонларни ҳам шерик қилишни унутма!»

Ундан савоб ишларда ҳам фойдаланиш керак, — дейди тadbиркор Шоқир Шукуров

Ш. Шукуров фаолияти билан танишар эканмиз, унинг ишбилармон сифатида бир жиҳат-ди диққатимни тартади. У ҳамиятда бўладиган ўзгаришлар, янгича жараёнлар билан ҳам-нафас бўлиб, уларнинг ичида қадам ташлаш-га ҳаракат қилади. Ўз қўлига ўрналиб юриш-ни хушламайди. Мана, бир мисол, жорий йил Президентимиз ташаббуси билан «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Демак, келажак-миз бўлган ёшларга эътибор янада кучаяди. Худди ана шундай эътибор эса ёш тadbир-кор фаолиятида ўтган йилларда ҳам асосий ўрин олгани ибратли. У Термиз давлат уни-верситетини тахсил олаётган тўрт нафар та-лаба-ёшларга ҳомийлик қилиб, уларнинг ўқув-контракт тўловларини фирма ҳисобидан тўла-ди. Фақат бу эмас, энди ўша талабалар ўқиш-дан бўш пайтларида фирмада ишлашди ҳам. Магистратурада тахсил олган С.Сайдов эса контракт тўловлари учун ҳомийлик қилган тadbир-кордан мамнун. Тadbиркор жорий йилда ҳам ёшларни қўллаб-қувватлашни қанда қил-маслиқни режалаштирган.

Ш. Шукуров раҳбарлигида «Фаровон-файз» хусусий фирмасида 8 нафар ёш йигит-қиз-лар иш билан таъминланган. Жумладан, ўтган «Ижтимоий химоя йили» да ҳам фирма ишчи-си Муҳиддин Музаффаров уй-жой билан бе-пул таъминланди.

— Ходимларимизнинг деярли барчаси қишлоқлардан келишган. Уларнинг ҳар бири ўзининг алоҳида иссиқ гўшаси — уйига эга бўлсагина иш жойида хотиржам меҳнат қила олишди. Демак, корхонага ҳам кўпроқ даромад келтиришга ҳаракат қилишди, — дей-ди тadbиркор.

— Бундан ташқари Шоқирбой бошлиқ жа-моа ўтган йили ўзи ўқиган қишлоқ мактаби-га 1 миллион сўм, шу қишлоқдаги 40 нафар оилага эса 2 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатди. Шунингдек, қишлоқ ички йўллари-ни таъмирлаб, асфальт хашарига беминнат ҳиссасини қўшди. Ҳар бир дақиқа кадрини билувчи Ш.Шукуров Тadbиркорлар ва иш-билармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либе-рал демократик партияси аъзоси сифатида сиёсий-ижтимоий тadbирларда иштирок этиш, партия фаолиятига ёрдамлашишга-да фурсат топа олади. У партия бошланғич таш-килот раҳбари сифатида шаҳар партия Ке-нагашига яқин кўмакдош. Бугунги тadbиркор учун иқтисодий билимлар қаторида сиёсий онг, сиёсий билимлар ҳам заруригини тўғри англайди.

Дарвоқо, «Фаровон-файз»нинг келгусида-ги режалари ҳам салмоқли. Ҳуқуқимизнинг «Аҳолига сервисиз хизмати кўрсатишни янада яхшилаш чора-тadbирлари тўғрисида» ги қарори ижроси доирасида яқин фурсатда шаҳар марказидаги фирмани тўхтаган му-ассаса ўрнида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, демакки, янги иш ўринлари, аҳолига қулай сервис хизмати нуқталари ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Зеро, эзгу ниятлар ҳамийша хайрли бўлгай.

Даврон ОРИПОВ,
«Хуррият» мухбири

ЛУҚМА

Билиб ёзиш керак

Яқинда шахмат бўйича ўн бирин-чи жаҳон чемпиони Роберт Фи-шер Исландияда вафот этди. Шахс сифатида ниҳоятда мураккаб инсон бўлган Фишер буюк шахматчи эди. Унинг ўлими шахмат олами учун катта йўқотиш бўлди. Бу мусибат ҳақида оммавий ахборот воситалари зудлик билан хабар тарқатдилар. Аф-суски, айрим газеталаримизда Фи-шер ва у иштирок этган мусобақалар ҳақида фактлар пала-партиш, оёғи осмондан келтирилган ҳолда берил-ди. Масалан, «7х7» газетасининг шу йил 7 февраль сонида «Шахмат қиро-лининг сўнгги юриши» деган бир са-ҳифали мақола босилди. Мақола ав-валидаги «Унинг нима сабабдан ва-фот этгани ҳозирча номаълум» дей-илган жумла ҳам эътироз уйғотади. Чунки Фишернинг юрак хуружидан ва-фот этгани, шифохонда узоқ даво-лангани, врачлар унинг ҳаётини сақ-лаб қолиш учун астойдил курашгани ахборот воситаларида қайта-қайта айтилганди.

Маълумки, бирон соҳада қалам тебратадиган журналист аввало, шу соҳадаги асосий атама-тушунчалар-дан хабардор бўлмоғи лозим. Бу од-дий талаб. Акс ҳолда қулғули ахво-лга тушиб қолиши мумкин. Юқорида тилга олинган мақолада муаллиф шахмат ўйини учун муҳим ҳисоблан-ган чемпионат, матч сўзларининг маъносини ўзи яхши англамаган ҳолда ишлатаверган. 1972 йили Спас-кий билан Фишер ўртасида бўлиб ўтган шахмат бўйича жаҳон чемпио-ниги учун ўтказилган мусобақани ма-қолада айтилганидек «чемпионат эмас», матч дейиш мақсадга муво-фиқ. «Фишер навбатдаги 8 та матч-дан 5 тасида кетма-кет галаба қозон-ди», дейилади. Ваҳоланки, шахмат та-рихида Фишер билан Спасский ўрта-сида бор-йўғи икки марта матч ўтка-зилган. Демак, бу ерда матч сўзи мутлақо нотўғри қўлланган. «8 та



Фischer билан иккинчи марта (ўша — 1992 йилги ўйин назарда тутил-моқда) матч ўйнаб, миллионерга ай-ланганини ёзади.

ШАТРАНЖИЙ

